

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РЎД.27.06.2017.ҚХ.12.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИСЛАМОВ СОХИБ ЯХШИБЕКОВИЧ

**ОЛМАНИНГ (Malus Mill) КЛОН ПАЙВАНДТАГЛАРИДА ИНТЕНСИВ
БОҒДОРЧИЛИК УЧУН СЕРТИФИКАТЛАНГАН КЎЧАТ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Исламов Сохиб Яхшибекович

Олманинг (Malus Mill) клон пайвандагларидан интенсив боғдорчилик учун сертификатланган кўчат етиштириш технологиясининг илмий асослари..... 3

Исламов Сохиб Яхшибекович

Научные основы технологии выращивания сертифицированных саженцев яблони (Malus Mill) на клоновых подвоях для интенсивного садоводства..... 27

Islamov Sohib

Scientific basics for certified graft production technology for intensive horticulture by cloned grafts of apple tree (Malus Mill)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.QX.12.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ИСЛАМОВ СОХИБ ЯХШИБЕКОВИЧ

**ОЛМАНИНГ (Malus Mill) КЛОН ПАЙВАНДТАГЛАРИДА ИНТЕНСИВ
БОҒДОРЧИЛИК УЧУН СЕРТИФИКАТЛАНГАН КЎЧАТ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx22 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samqxi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Буриев Хасан Чутбаевич,
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кайимов Абдухалил Кайимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Остонақулов Тоштемир Эшимович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Кожаметов Советбек Кожаметович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**М.М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик
ва виночилик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги PhD.27.06.2017.Qx.12.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (+99866) 234-07-86; факс: (99866) 234-33-20; e-mail: samqxi@qsxv.uz).

Диссертация билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (+99866) 234-07-86; факс: (99866) 234-33-20).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Э.У.Умурзоқов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

А.Л.Санакулов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент

И.Т.Эргашев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё боғдорчилигида, хусусан олма етиштиришда кучсиз ўсувчи пайвандтаглардаги интенсив боғларга ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини берувчи, боғларнинг ҳосилга кириш муддатини тезлаштирувчи, агротехника ишлари ва ҳосилни йиғиб-териб олиш тадбирларини қулайлаштирувчи, ҳосилдорликни анъанавий боғлардагига нисбатан 2-3 мартагача оширишга имкон берувчи омил сифатида қаралмоқда¹. Бундай боғлардан олинаётган йиллик ялпи ҳосил дунёда олма етиштириш бўйича етакчилик қилаётган Хитой давлатида 39,682 минг тонна, АҚШда 4,082 минг тонна ва Туркияда 3,128 минг тоннани ташкил этмоқда². Шунингдек, кучсиз ўсувчи пайвандтаглардаги интенсив боғлар озиқ-овқат хавфсизлиги глобаллашиб бораётган бугунги кунда майдон бирлигидан мўл ва сифатли ҳосил олишда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз боғдорчилигида олма етиштиришни кучсиз ўсувчи пайвандтаглардаги юқори самарали интенсив боғларга ўтказиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, боғларнинг ҳосилга киришини тезлаштириш, уларнинг фойдаланиш даврини узайтириш, ҳосилдорликни ошириш ва экспортни кўзда тутувчи жаҳон стандартларига мос мева етиштириш мақсадида республикаимиз тупроқ иқлимига мос, интенсив боғ барпо қилиш имконини берувчи пайвандтагларни кўпайтириш, янги истикболли пайвандтагларнинг сув ва озуқа тартибларини ишлаб чиқиш, уларнинг энг мақбулларини танлаш ва пайванд қилиш технологияларини такомиллаштиришга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармонининг устувор йўналишларида пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Дунё боғдорчилигида кучсиз ўсувчи олма пайвандтагларидан фойдаланиш орқали юқори ҳосилдор (анъанавий боғларга нисбатан 2 ва ундан кўп марта ортик), тез ҳосилга кирувчи, парваришlash ва ҳосилни йиғиб олиш бўйича барча ишларни осонлаштирувчи янги типдаги интенсив боғларни барпо қилиш имконияти яратилмоқда. Республика тупроқ-иқлими шароитида бундай пайвандтагларнинг ўсиш ва ривожланишини морфо-биологик нуқтаи назардан ўрганиш, улар орасидан интенсив боғ барпо қилиш имкониятини берувчи истикболли шаклларни танлаш, ушбу пайвандтагларни жадал кўпайтириш технологиясини ва озуқа, сув тартиби ҳамда пайванд қилишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш республика боғдорчилиги учун долзарб ҳисобланади.

¹ <http://www.virtualorchard.net/idfta/cft/2002/august/page67.pdf>

² <http://www.worldatlas.com/articles/top-apple-producing-countries-in-the-world.html>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги ПҚ-2505-сон «2016-2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини хом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Олма учун ташқи муҳитнинг турли экстремал омилларига чидамли, интенсив боғ барпо қилиш имконини берувчи, турли ўсиш кучига эга пайвандтагларни яратиш, уларнинг морфо-биологик хусусиятлари, сув ва озуқа тартибларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Julius Kühn-Institut (JKI) (Дрезден-Пильниц, Германия), East Malling Research Station (Буюк Британия), Swedish University of Agricultural Sciences (Швеция), Research Institute of Pomology and Floriculture (Польша), Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчилик минтақавий ИТИ, Бутунроссия боғдорчилик илмий-тадқиқот институти (Россия)³, М.М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Олманинг вегетатив йўл билан кўपाювчи, ташқи экстремал омилларга чидамли, ўсиш кучи турлича бўлган пайвандтагларини кўпайтириш технологиясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: вегетатив йўл билан кўпаювчи Supporter серияли пайвандтаглар яратилган (Julius Kühn-Institut); бутун дунёдан келтирилган турли ўсиш кучига эга пайвандтаглар коллекциялари яратилган, уларнинг генбанки ташкил этилган ва ушбу коллекция асосида дунёга машҳур М серияли қатор пайвандтаглар ишлаб чиқилган (East Malling Research Station); совуққа чидамли ва кучсиз ўсувчи пайвандтаг шакллариининг ўзаро чагиштириш асосида ўсиш кучи суст ва ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамлилиги билан ажралиб турувчи А типдаги пайвандтаглар яратилган (Swedish University of Agricultural Sciences); интенсив боғдорчиликда кенг қўлланиладиган А типига ўхшаш Р тип олма пайвандтаглари яратилган (Research Institute of Pomology and Floriculture); селекция жараёнлари асосида турли зичликдаги интенсив

³<https://www.julius-kuehn.de>, <http://www.suttonelms.org.uk>, <http://www.slu.se>, <https://www.era-learn.eu>, asprus.ru, <http://мичуринск-наукоград.рф>

боғларни барпо қилиш имконини берувчи СК серияли қатор истиқболли пайвандтаглар яратилган (Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчилик минтақавий ИТИ); ўсиш кучи бўйича фарқланувчи бир қатор пайвандтаглар гуруҳлари яратилган (Бутунроссия боғдорчилик илмий-тадқиқот институти).

Дунёда ўсиш кучи билан фарқланувчи, ҳар хил зичликдаги интенсив боғларни барпо қилиш имконини берувчи, қимматли хўжалик белгиларига эга, турли салбий омилларга чидамли бўлган пайвандтаглар яратиш; уларнинг олма навлари билан мос келиши бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: селекциянинг янги, жумладан, ҳужайра селекцияси, биотехнология, ген муҳандислиги каби усуллари қўллаб, янги пайвандтагларни яратиш, уларнинг ўсиш кучи ва олма навларига мос келишини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мевали ўсимликларнинг кучсиз ўсувчи пайвандтаглари ва кўчатларини интенсив етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича АҚШ, Австралия, Россия, Ҳиндистон ва бошқа олма етиштириладиган мамлакатларда R.Hatton, Carlson R.F., Oh S.D., Fehrmann W., Fisher M., Ferre D.C., Parry M.S., Rogers W.S., Tukey H.B., Webster A.D. каби олимлар томонидан кенг қамровли изланишлар олиб борилган. Республикада олма ўсимлигини кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштириш бўйича Р.Р.Арутюнов, С.А.Остроухова, Р.Д.Джураев ва Мухаммед Батха каби олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Мазкур тадқиқотлар натижаларининг таҳлили асосида кўчатзорда мос ҳолдаги майдон бирлигида олма кўчатларининг кам чиқиши, куртак пайванддан олдинги давр ва куртак пайванд давридаги пайвандтаг ва наводор ўсимликларнинг ўсишини, ривожланишини айрим физиологик ҳамда биологик жиҳатлари етарлича ўрганилмаган. Шундан келиб чиқиб, кўчат етиштиришда кўпгина технологик элементларни янада такомиллаштириш бўйича изланишларни изчил олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети ва Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-08-126 «Кўчатзор ва боғ шароитида олма ва нокни вегетатив йўл билан кўпайтириладиган энг жадаллашган кучсиз пайвандтаглари ўрганиб, танлаб олиш» (2006-2009 йй.); ҚХАЁ-9-09 «Амалий селекцияда фойдаланиш мақсадида мевали экинлар генофондини маҳаллий навлар билан бойитиш» (2010-2011 йй.); ҚХАЁ-8-002 «Амалий селекцияда фойдаланиш мақсадида мевали экинлар генофондини маҳаллий навлар билан бойитиш» (2012-2013 йй.); ҚХА-9-100 «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг анъанавий ва қайта тикланувчи энергетик ресурслардан комплекс фойдаланишга асосланган энергия-ресурс тежамкор экологик хавфсиз электро-технологияларини ва техник воситаларини яратиш» (2012-2014 йиллар); ҚХА-4-004-20015 «Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлар (Б ва УИФХ) истеъмолчиларини қайта тикланувчи энергия

манбаларидан (КТЭМ) комплекс фойдаланишга асосланган локал энергия таъминоти тизимини ишлаб чиқариш» мавзусидаги амалий ва инновацион илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олманинг интенсив типдаги саноат боғларини барпо қилишда унинг вегетатив кўпайишини таъминловчи клон пайвандтагларидан фойдаланган ҳолда сертификатланган кўчатларини етиштиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кучсиз ўсувчи ҳамда совуққа чидамли бўлган шаклларни аниқлашда олманинг вегетатив йўл билан кўпайтирилувчи клон пайвандтаглари коллекциясидаги ўсимликларни ўсиш ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш;

ҳар хил ёшдаги пайвандтаг она тупларининг ер устки қисмини ривожланишига ва пархиш чиқиш сифатига органик ва минерал ўғитлар бериш меъёри ҳамда муддатларининг таъсирини аниқлаш;

пайвандтагларни она тупидаги пархишларнинг илдиз отиши ва ривожланиши даврида тупроқ микроклимига вегетацион суғоришларнинг таъсирини ўрганиш;

пайвандтагларнинг ёғочлашган қаламчаларини тайёрлаш ва экиш муддати ҳамда новдадан олинган қисмининг уларни илдиз отувчанлик хусусияти ва ўсимликлар ривожланишига таъсирини аниқлаш;

олма пайвандтаглари қаламчаларининг илдиз отувчанлик хусусияти ва сифатига уларни экиш олди «кильчалаш»нинг таъсирини ўрганиш;

микроклими бошқариладиган иншоотда олма пайвандтагларини интенсив етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш;

пайвандтаг ва пайвандуст ўсимликларида новда хужайраларининг камбиал фаоллигига боғлиқ равишда куртак пайванд қилишнинг қулай муддатларини белгилаш;

олма пайвандтагларини пайванд қилиш муддатининг пайвандуст куртакларининг тутувчанлиги ва стандарт кўчатлар чиқиш микдорига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олманинг турли ўсиш кучига эга бўлган вегетатив йўл билан кўпайувчи клон пайвандтаглари – МI, МII, МIII, МIV, MV, MVI, MVII, MVIII, MIX, MX, MXI, MXII, MXVI, MXXV, MM101, MM104, MM105, MM106, MM107, MM109, MM110, №490, Қрим дусени, Бобоараб, Хазорасп ва Сиверс олмаси, шунингдек Тошкент Боровинкаси, Пармен зимний золотой, Жонатан, Голден Делишес, Оқ розмарин, Ренет Симиренко каби ҳар хил муддатда пишадиган, районлаштирилган навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб пайвандтаглар новдалари, куртаклари ва илдиз тизимининг совуққа чидамлилиги, органик ва минерал ўғитлар, пайвандтаглар она тупларининг суғориш тартиботи, пайвандтагларни кўпайтириш усуллари, уларнинг қаламчаларини экиш олди тайёрлаш тартиби, ўстирувчи моддалар концентрацияси, олма кўчатлари сертификацияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мевачиликда умумқабул қилинган қуйидаги услублардан фойдаланилган ҳолда олиб борилди: «Тажриба маълумотларининг статистик таҳлили», «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами», «Способы определения морозостойкости корневой системы клоновых подвоев яблони», «Методические рекомендации по комплексному изучению клоновых подвоев яблони», «Промораживание отводков клоновых подвоев яблони», «Размножение плодовых растений методом зеленого черенкования побегов», «Регуляторы роста у виноградной лозы и плодовых культур», «Методика полевого опыта». Маълумотларнинг математик-статистик таҳлиллари Б.А. Доспеховнинг услуги бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ист-Моллинг ва Моллинг-Мертон коллекциясининг вегетатив йўл билан кўпайтирилувчи олма пайвандтаглари типлари ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари аниқланган;

пайвандтаглар ер устки қисмининг ўсиш кучи бўйича гуруҳларга ажратилиб, минтақавий таснифланган;

пайвандтаглар новдалари, куртаклари ва илдиз тизимининг совуққа чидамлилиги аниқланган;

ўсимликларнинг сув ва озуқа билан таъминланганлик даражасига боғлиқ равишда олманинг она пайвандтаглари ёшига хос маҳсулдорлиги аниқланган;

пайвандтаглари ёғочлашган новдаларидан ўстиришнинг қулай шароитлари аниқланган;

олма пайвандтаглари микроиклими бошқариладиган махсус иншоотда сунъий субстратларда ярим ёғочлашган яшил қаламчаларидан етиштиришнинг янги технологияси ишлаб чиқилган;

пайвандтаг ва пайвандуст комбинацияларида ҳужайраларнинг камбиал фаоллик суръатининг мос тушишидан келиб чиқиб, куртак пайванд қилишнинг қулай муддатлари аниқланган;

куртак пайванд қилиш муддатлари, пайвандуст куртакларининг яхши тутиши ва сертификатланган олма кўчатлари чиқиши ўртасида юқори даражадаги боғлиқлик ($r=0,93-1,00$) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Олиб борилган лаборатория ва дала тажрибалари, ўтказилган фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар, она кўчатзордан вегетатив йўл билан кўпаювчи пайвандтаглар чиқишини ҳисобга олиш орқали қуйидаги амалий натижалар олинди:

олманинг вегетатив кўпайтирилувчи пайвандтаглари коллекциясидан интенсив боғ барпо қилишга мос пайвандтаглар ажратилди;

кўчатзорнинг майдон бирлигидан сифатли ва кўп миқдорда пайвандтаг чиқишини таъминловчи она кўчатларни суғориш ва озиклантиришнинг қулай тартиботи аниқланди;

ёғочлашган қаламчалардан пайвандтаг етиштиришда она ўсимликлардан новда ва қаламча тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;

вегетатив йўл билан кўпайтирилувчи янги истиқболли пайвандтаг

типларини тезкор етиштиришнинг интенсив технологияси ишлаб чиқилди;

пайвандуст ва пайвандтаг ўсимликлар новдаларининг камбиал фаоллик суръати аниқланиб, пайванд қилишнинг қулай муддатлари белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилиши, дала ва лаборатория тажрибалари натижасида олинган маълумотлар замонавий компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада интенсив олма боғларини барпо қилиш учун қўлланиладиган вегетатив йўл билан кўпайтирилувчи Ист-Моллинг ва Молинг-Мертон коллекцияси пайвандтаглариининг ўсиш кучи, пайвандтаглар она кўчатзорларидан фойдаланишда уларни суғориш ва ўғитлаш тартиби, шунингдек куртак пайванд қилиш муддатидаги пайвандтаг ва пайвандуст ўсимликлари новдаларининг камбиал фаоллиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олма пайвандтаглариини ярим ёғочлашган яшил қаламчаларидан жадал кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилган. Бу эса фермер хўжаликлари шароитида бир мавсумда оддий вертикал пархишлаш усулидагига нисбатан майдон бирлигидан 7 марта кўпроқ пайвандтаг материали етиштириш имконини беради. Пайвандтаг ва пайвандуст ўсимликлари новдалари хужайраларининг камбиал фаоллик суръати мос тушадиган муддат аниқланиши натижасида эса фермер хўжаликларида куртак пайванд қилишда тутган куртаклар ва стандарт кўчат чиқишини ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Олманинг (Malus Mill) клон пайвандтагларида интенсив боғдорчилик учун сертификатланган кўчат етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчилик фермер хўжаликлари учун «Кучсиз ўсувчи пайвандтагларда интенсив боғларни барпо қилиш» мавзусидаги тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 22.08.2017 й., 15/09-874 сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида кенг фойдаланилмоқда;

олманинг вегетатив йўл билан кўпаядиган клон пайвандтаглариини ёғочлашган ва яшил қаламчаларидан кўпайтириш, пайвандтаг материали етиштириш, куртак пайванд қилиш ҳамда сертификатланган кўчат етиштириш технологиялари 2011-2016 йиллар давомида Сирдарё вилоятида 6 га, Тошкент вилоятида 9,5 га, Жиззах вилоятида 4 га, Самарқанд вилоятида 3,5 га, жами 23 га боғдорчилик фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 11.08.2017 й., 02/22-418-сон

маълумотномаси). Мазкур технологияларнинг жорий этилиши натижасида фермер хўжаликларида олма боғларини суғоришлар сони 2 мартагача қисқаришига, минерал ўғитлар меъёрининг 25 фоизгача тежалишига, бегона ўтлар ўсишининг 50 фоизгача камайишига ва хўжаликларда сертификатланган кўчатлар етиштириш ҳажмини икки мартагача оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ТошДАУнинг махсус комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда, жумладан: «Қишлоқ хўжалик экинлари генофонди, селекцияси, уруғчилиги ва замонавий технологиялари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида (Тошкент шаҳри, 2010); «Республикада боғдорчилик ва узумчилиқни ривожлантириш, маҳсулот сифати ва ҳосилдорлигини ошириш омиллари мавзусидаги халқаро конференцияда (Тошкент шаҳри, 2014); «Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси, (Тошкент шаҳри, 2015); «Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг устунлиги» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси (Тошкент шаҳри, 2016) ва Научные труды студентов Ижевской ГСХА. (Сборник статей № 1 (2).– Ижевск: ФГБОУВОИжГСХА, 2016 г.) халқаро конференцияда маърузалар қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 2 та монография ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Мевачилиқда клон пайвандтагларининг қўлланиш назарияси**» деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқилган тадқиқот мавзуимиз бўйича алоҳида тадқиқотлар натижаларининг таҳлилий

адабий маълумотлари келтирилган. Хусусан, интенсив типдаги боғ барпо қилиш учун қўлланиладиган олманинг ўсиш кучи бўйича фарқланувчи вегетатив йўл билан кўпаяувчи ҳар хил истиқболли пайвандтагларининг морфо-биологик тавсифи, экологик омиллар ва ўстирувчи моддаларнинг яшил қаламчалардан етиштирилган нав-пайвандтаг ўсимликларининг ўсиш ва ривожланиш жадаллигига таъсири ёритилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуби» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш жойи, мақсади, вазифалари, объекти, тадқиқот йиллари бўйича алоҳида тажрибаларни қўйиш методикаси (лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш) келтирилган. Ушбу бобда олма пайвандтаглари ва нав ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши юзасидан фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар ўтказиш шароитлари, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби, олма-нинг сертификатланган кўчатларини етиштириш бўйича ишлаб чиқилган техно-логик тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш баён этилган.


Диссертациянинг **«Олманинг вегетатив кўпаяувчи клон пайвандтагларида ўсиш ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида интенсив боғ барпо қилиш учун яроқли намуналарни ажратиш мақсадида олма пайвандтаглари коллекциясини тажриба ва ишлаб чиқаришда синаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Ист-Моллинг ва Моллинг-Мертон коллекциясининг вегетатив йўл билан кўпаядиган клон пайвандтаглари ўрганиш шуни кўрсатдики, MI, MII, MVII, MIX, MXI ва MM106 пайвандтагларида куртакларнинг ёзилиш фазаси Сиверс олмаси (назорат) пайвандтаги билан деярли бир вақтда бошланади. Мазкур фаза MV ва MM110 пайвандтагларида 5 кунга, MX ва MM101 пайвандтагларида эса 9-14 кунга кечроқ бошланади.

Вегетация даври аксарият пайвандтагларда 230-235 кунда, фақатгина MX пайвандтагида 215 кунда якунланди. Нисбий ва мажбурий тиним даври MX ва M101 пайвандтагларида энг узун бўлиб, 147-154 кунни ташкил этди, MVI, MM106, MM109 ва MM110 пайвандтагларида қисқароқ, яъни 142-143 кун ва MIX да энг қисқа – 135 кунга тенг бўлди.

Вегетация даврида ер устки қисмининг жадал ўсиши билан MM101, MM105, MM109 ва MM110 клон пайвандтаглари бошқаларидан ажралиб турди. Уларда ўсиш кўрсаткичи ва новда ҳосил қилиш қобиляти назоратга нисбатан 52-78% га юқори бўлди. Ер устки қисмининг энг суст ўсиши MIX пайвандтагида кузатилди. Ўсиш кучи бўйича Ист-Моллинг ва Моллинг-Мертон коллекцияси пайвандтаглариининг морфо-биологик хусусиятлари бўйича қуйидаги типлари ажратилди: жуда кучли ўсувчи – – MII, MV, MM101, MM105 ва MM109; кучли ўсувчи – MIV, MX ва MM110; ўртача ўсувчи – MIII, MVI, MXVI, MM104 ва MM106; пакана – MVIII ва MIX.


Вегетатив йўл билан кўпаядиган Ист-Моллинг она коллекциясида юқори новда ҳосил қилувчанлик хусусияти билан MXIII пайвандтаги

ажралди – 250 дона/ўсим., улардан фойдаланиш ҳар бир тупдан 84 тагача сифатли қаламча тайёрлаш имконини беради (1-расм).



1-расм. Ист-Моллинг коллекцияси она тупларидан новда чиқиши(2005-2016 йй.)

Моллинг-Мертон коллекциясида ММ101 пайвандтаги барча ўрганилган пайвандтагларга нисбатан энг юқори новда ҳосил қилувчанлик хусусияти кузатилди (278 дона/ўсим.). Ушбу миқдордаги жорий йилги новдалардан пайвандтаг етиштириш учун 124 тагача стандарт (узунлиги 15 см) қаламча тайёрлаш мумкин. ММ106 ва ММ110 пайвандтагларининг она туплари ўртача миқдорда новда ҳосил қилди – 153 дан 172 донагача (2-расм).



2-расм. Моллинг-Мертон коллекцияси она тупларидан новда чиқиши(2005-2016 йй.)

«Олманинг вегетатив кўпаювчи пайвандтагларини совуққа чидамлилиқ хусусиятини ўрганиш» бўлимида чуқур тиним даврида тупроқ ва ҳавонинг паст ҳароратларига ўсимликлар ер устки ва ер остки қисмларининг чидамлилиги ўрганилди. Тадқиқотларда аниқланишича, ўрганилган олма пайвандтаглари ичида қишки совуқларга (-25-30°C) энг юқори чидамлилиги билан уруғлик пайвандтаг Сиверс олмаси ажралиб турди. Унда мажбурий тиним даврида бир йиллик новдаларнинг зарарланиши амалда кузатилмади ва фақатгина биологик танг ҳароратда (-32°C) бир йиллик новдаларнинг 17% нобуд бўлиши кузатилди.

Вегетатив кўпаювчи олма пайвандтаглари уруғлик пайвандтаг – Сиверс олмасига нисбатан қуйи ҳароратларга кам чидамли ҳисобланади. Қишки совуқлар даврида, -30 дан -32°Cгача ҳароратда уларда 14 дан 29% новдалар зарарланди. Вегетатив кўпаювчи олма пайвандтаглари Ист-Моллинг

коллекциясидан қуйи ҳароратларга чидамлилиқ МVII, МIII ва МIX каби турларда кузатилди, уларда новдаларнинг сақланувчанлиги 86-100% ни ташкил этди. Моллинг-Мертон коллекциясида бундай хусусиятларга ММ104, ММ106, ММ101 ва ММ105 каби пайвандтаглар эгадир.

Вегетатив кўпаювчи олма пайвандтаглари қишки мажбурий тинимдан вегетациянинг бошланишига ўтиши даврида ўсимликларда физиологик жараёнларнинг фаоллашиши туфайли уларнинг қуйи ҳароратларга (-20-25°C) чидамлилиги кескин пасайди: уруғлик пайвандтаг – Сиверс олмасида – 8%, вегетатив кўпаювчи пайвандтагларда –20-29% ни ташкил қилди.

Олма пайвандтаглари куртакларининг чидамлилиги новдалардаги каби мажбурий тиним даврида атроф муҳит ҳароратининг -25 дан -30°C гача пасайиши билан туруғлик пайвандтаг – Сиверс олмасида 8-19%, вегетатив кўпаювчи пайвандтагларда –11-25% га пасайди.


Ўсув жараёнларининг фаоллашиши – ўсимликларнинг тиним ҳолатидан вегетацияга ўтиши даврида ўсув куртаклари ҳаво ҳароратининг пасайишига энг сезгир бўлиб қолади. Уларда ушбу даврда -20°C ҳароратда куртакларнинг нобуд бўлиши 8-36% ни ташкил этди, -25°C да ушбу кўрсаткич 1,5-2,5 марта ортади ва 25-66% га етди.

Илдиз тизимининг алоҳида қисмларидан қопловчи илдизлар ҳароратнинг пасайишига энг сезгир ҳисобланади. Ист-Моллинг коллекциясида ушбу омилга MVI, MVIII ва MIX, Моллинг-Мертон коллекциясида – ММ101, ММ104 ва ММ110 пайвандтаглари энг чидамли бўлиб чиқди. Уларда тупроқ ҳарорати -6°C гача пасайганда қопловчи илдизларнинг 88-97% қисми сақланиб қолди, -9°C да илдизларнинг нобуд бўлиши 18-21,5% ортди ва 70,0-55,5% га етди.

Диссертациянинг **«Она пайвандтаглар туплари ер устки қисми ўсиш хусусиятларига уларнинг ёши, органик ва минерал ўғитлар бериш меъёрлари ва муддатларининг таъсири»** деб номланган тўртинчи бобида она пайвандтаглар ривожланишининг морфологик хусусиятлари ва уларнинг ёшига боғлиқ равишда органо-минерал ўғитлардан самарали фойдаланишни тадқиқ қилиш бўйича тажриба маълумотлари келтирилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсув даврида ўсимликнинг ер устки қисмида ўсув жараёнларининг жадаллиги кўп жиҳатдан озуқа моддаларининг мавжудлиги ва уларнинг ўсимликлар учун мақбуллигига боғлиқ бўлади. Хусусан, минерал ўғитлар ва чириган гўнг илдиз орқали озикланишни кучайтиргани ҳолда, она тупларнинг новда ҳосил қилувчанлик хусусиятини оширади, бунинг ҳисобига пайвандтаг материалининг чиқиши назоратга нисбатан она кўчатзор барпо қилингандан кейинги иккинчи йилда 2-8% га, учинчи йили 16-45% га ортади (3-расм).

Она тупларда новдаларнинг шаклланишига ўғитларнинг яққол ифодаланган таъсири уч ёшидан бошлаб намоён бўлади. Она тупларнинг ривожланиши бўйича энг яхши натижалар ўғитларни $P_{60}K_{30}$ кузда + N_{120} эрта баҳорда + озиклантириш $P_{30}N_{30}$ майда + N_{30} июнда тартибида берилганда олинди. Бундай шароитларда назорат вариантыга нисбатан новда шаклланиши миқдорининг ортиши 48,6% ни ташкил этди.




3-расм. Она тушларда новдаларнинг шаклланишига ўғит қўллаш меъёрининг таъсири, дон (2010-2016 йй.)

Олманинг MIX ва ММ106 пайвандтаглари она тушларининг ривожланиши бўйича учинчи ёшда яхши натижалар кузда ўсимликларга 15 т/га миқдорида чириган гўнг берилган тажриба вариантыда ҳам қайд этилди. Бунда она тушларда новдаларнинг шаклланиш жадаллиги кўрсаткичи назорат вариантыга нисбатан 36,1% га юқори бўлди.

«Она пайвандтаглари пархишларининг илдиз тизимининг ривожланиши ва сифатига ўсимликнинг ёши, ўғит қўллаш муддати ва меъёрларининг таъсири» бўлимида ҳар хил ўсиш кучига эга олма пайвандтаглари пархишлари илдиз тизимининг ривожланишини ўрганиш натижалари келтирилган. Олинган илмий маълумотлар шуни кўрсатадики, етиштирилган олма пайвандтаги пархишларида қўлланилган ўғитлар таъсирида марказий новданинг оптимал диаметрига (7-10 мм) эга бўлган пайвандтаглар улуши назорат вариантыга нисбатан 38,8% ортиши, яхши ривожланмаган ностандарт пайвандтаглар миқдори эса 5,2% дан юқори бўлмаслигига эришиш мумкин (4-расм).

Олма пайвандтаглари оналик тушларига ўғит беришнинг самарадорлиги кўчатзордаги ўсимликлардан фойдаланишнинг учинчи йилидан бошлаб намоён бўлади. Бунда тажрибанинг оптимал вариантларида – кузда 15 т/га миқдорида чириган гўнг қўлланилганда, шунингдек минерал ўғитлар Р₆₀К₃₀ кузда + N₁₂₀ эрта баҳорда + озиқлантириш Р₃₀N₃₀ майда + N₃₀ июнда тартибида берилганда оналик пайвандтаглар кўчатзорининг ҳар бир гектари 107,1 минг дондан 130,6 минг донгача пайвандтаг олиш имконини беради.

Ўғитлар қўлланилган вариантларда, айниқса кузда 15 т/га миқдорида чириган гўнг қўлланилганда, шунингдек, минерал ўғитлар Р₆₀К₃₀ кузда + N₁₂₀ эрта баҳорда + озиқлантириш Р₃₀N₃₀ майда + N₃₀ июнда тартибида берилганда ҳар иккала тип пайвандтаг пархишлари вегетация якунига келиб, уларда 94,7 дан 95,7% гача (ривожланиш даражасига кўра) давлат стандартининг биринчи ва иккинчи гуруҳ талабларига жавоб берувчи илдиз тизими шаклланади, бу эса назорат вариантыга нисбатан 20,2% юқоридир.




4-расм. Ўғит қўллашга боғлиқ равишда пайвандтаглар пархишларида илдиз тизимининг ривожланиши (2010-2016 йй)

«Пайвандтаг пархиш новдаларининг ўсиши ва ривожланишига вегетацион суғоришлар сонининг таъсири» бўлимида ўсув даврида пайвандтагларнинг намлик билан таъминланганлик даражасининг роли аниқланди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бўз тупроқли ерлар шароитида олманинг вегетатив кўपाювчи пайвандтаглари вертикал пархиш услубида кўпайтиришда уларни тўққиз марта вегетацион суғориш етарли ҳисобланади. Бунда суғоришлар қуйидагича тақсимланади: майда – 2, июнда – 2, июлда – 2, августда – 2 ва сентябрда – 1 марта. Ушбу ҳолатда пайвандтаг она кўчатзори тўққиз марта вегетацион суғорилганда тупроқнинг илдиз ҳосил бўлувчи минтақадаги тупроқ ҳароратининг абсолют максимуми 28,3°C га етади.

Суғоришлар сонини 15 мартагача ошириш тупроқнинг ҳароратини июнь-июлда 0,5-1,2°C га пасайтиради, бироқ суғоришлар сонини бундай ошириш илдиз тизимининг шаклланиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Суғоришлар сони оширилмаган ва 12 марта суғорилган вариантларда ҳам ҳосил бўлган илдиз тизими белгиланган талабларга жавоб беради ва ноябрь ойида бундай пархишларни ажратиб олиш мумкин бўлади (5-расм).

Вертикал пархишлар она кўчатзорини тўққиз марта вегетацион суғориш тупроқнинг суғориш олди намлигини, яъни тупроқни илдиз ҳосил бўлувчи қатламида йил давомида тўла нам сиғимга нисбатан 77-79% чегарасида ушлаш имконини беради. Тупроқ намлигининг бундай фонида уч ёшли она кўчатзордан пархиш чиқиши гектарига 73-130 минг донани ташкил этади.



5-расм. Олма пайвандтаглари она тулларидан пархишлар чиқишига сўғоришлар сонининг таъсири (2010-2016 йй)

«Олманинг истиқболли клон пайвандтаглари ярим ёғочлашган қаламчалаш услубида жадал кўпайтириш технологияси» бўлимида ички микро-иклими бошқариладиган махсус иншоотларда пайвандтаглари жадал етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Қаламчаларнинг илдиз отиш сифатини яхшилаш учун ўсишни бошқарувчи индолилмой кислотаси 20 дан 100 мг/л сув гача концентрацияда қўлланилди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, олманинг оналик пайвандтагларидаги ярим ёғочлашган яшил новдалардан тайёрланган қаламчалар ризогенези дастлабки босқичларининг ўтиши – каллус ҳосил бўлиши, илдиз бўртмалари ва муртакларининг шаклланиши уларнинг келиб чиқиш табиатига боғлиқ эмас. Индомилмой кислотасини қулай концентрацияда (40 мг/л сув) қўллаш олма пайвандтаглари яшил қаламчалари ризогенези ва ер устки қисми регенерациясини ишлов берилмаган қаламчаларга нисбатан 10-12 кунга тезлаштиради.

Яшил қаламчаларнинг юқори илдиз отувчанлиги (62-77%) MV, MIX, ММ 106, Қрим дусени, №490, Бобоараб ва Хазорасп олмаси пайвандтагларида, ўртача илдиз отувчанлик (48-56%) MII, MIV, MVIII ва ММ 105, паст илдиз отувчанлик (34-42%) MI, MIII, MVI, ММ104 ва ММ109 пайвандтагларида ва жуда паст илдиз отувчанлик (22,5-31,5%) MVII, MXIII, MXVI ва ММ107 пайвандтагларида қайд этилди. Улар вегетация якунида ИМК билан ишлов берилмаганларга нисбатан ривожланишда 2,5 баробар илгарилаб кетиши кузатилади (1-жадвал).

Олманинг MV, MIX, ММ106, Қрим дусени ва №490 пайвандтаглари яшил новдаларидан илдиз оттирилган қаламчалари кўчатзорнинг биринчи даласига экилганда улар 91-96% гача тутати ва пайвандлаш муддатига келиб мазкур ўсимликлар пайвандлаш учун қулай ўлчамга етади.

Олма пайвандтаглари микроиклими бошқарилувчи махсус иншоотда кум ва чириндининг 1:1 нисбатдаги аралашмасидан ташкил топган сунъий субстратни қўллаган ҳолда етиштириш стандарт пайвандтаглари чикишини 684000 дон/га гача етказишни таъминлайди. Бу эса вертикал

пархиш усулида етиштиришга нисбатан 7,5 баробар юқоридир. Олманинг вегетатив кўпаювчи клон пайвандтаглари сунъий субстратда етиштириш технологиясини қўллаш 108,542 млн сўмгача соф фойда (маҳсулот сотишдан) олиш имконини беради, бунда маҳсулот етиштириш таннарни одатдаги технологияга нисбатан 9,1 баробар пасаяди, пайвандтаг ишлаб чиқариш рентабеллиги эса 384% гача етади.

«Олма ўсимлигини пайвандтаги ва помологик нави новдалари хужайраларининг камбиал фаоллигини ўрганиш» бўлими нав-пайвандтаг компонентларини ҳаётчанлигининг муҳим пайтига бағишланган. Ўсимликка ассимиляция ва озуқа маҳсулотларининг келишига замин тайёрлайдиган организм ва қопловчи тўқималардаги ёғочликнинг жадал ривожланишини таъминловчи камбиал хужайраларнинг юқори биологик фаоллиги пайвандтаг-пайвандуст компонентлари ҳаётчанлигининг муҳим даври ҳисобланади.

1-жадвал

Олманинг ярим ёғочлашган яшил қаламчаларидан кўпайтирилган пайвандтаглarning ривожланиши(2005-2016 йй)

Пайвандтаг типлари	I-тартиб илдизлар, дона	I-тартиб илдизларнинг умумий узунлиги, см	Илдиз тизимининг ҳажми, см ³	Новданинг узунлиги, см	Бир ўсимликнинг барг сатҳи, см ²
MI	13,0	120,0	4,2	15,0	96,0
M II	19,0	209,0	4,6	18,4	101,7
MIII	13,0	123,5	4,0	9,2	72,0
MIV	15,0	150,0	5,1	18,0	116,2
MV	18,5	175,7	6,5	16,5	112,0
MVI	7,0	108,5	2,8	15,4	102,0
MVII	15,3	137,9	5,3	23,2	168,3
MVIII	18,2	209,3	5,6	19,8	157,0
MIX	25,0	237,5	6,5	26,4	222,7
MXIII	22,5	225,0	5,0	24,8	216,5
MXVI	7,5	84,7	3,8	12,0	108,8
MM 104	16,8	201,6	4,0	8,9	88,5
MM 105	14,5	174,0	4,2	10,8	96,0
MM 106	11,0	115,5	7,5	16,4	112,0
MM 107	14,5	159,5	3,2	10,5	84,0
MM 109	20,3	192,8	5,2	15,3	105,0
Қрим дусени	27,2	236,4	6,8	22,0	234,0
Бобоараб олмаси	23,5	282,0	5,6	32,0	212,5
Хазорасп олмаси	13,2	175,5	4,0	28,0	328,5
№ 490	35,0	437,5	8,0	11,4	98,5
ЭКФ ₅			0,2		
P, %			4,4		


Шу билан бирга, камбиал хужайраларнинг жадал бўлиниши даврида ёғочликдан пўстлоқнинг ажралиши учун энг қулай шароит вужудга келади. Бу эса куртак пайванд учун жуда яхши шароитни юзага келтиради ва натижада пайванд қилинган куртакнинг яхши тутиши таъминланади.

Республикамиз кўчатзорларида умумий қабул қилинган тавсия-номаларга мувофиқ мевали экинларни куртак пайванд қилиш июль-август ойларида ўтказилади. Бироқ, кўчат етиштирувчи хўжаликларнинг кўп йиллик амалиёти шуни кўрсатадики, куртак пайванд қилиш мазкур муддатларда ўтказилганда стандарт кўчат чиқиши 40-50% дан ошмайди.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, куртак пайванд қилиш давридаги камбиал ҳужайраларнинг биологик фаоллиги пайвандтаг ва пайвандуст компонентларнинг ҳаётчанлигини таъминловчи энг муҳим омилдир.

Тошкент вилояти шароитида кучли ўсувчи олманинг клон пайвандтаглари новдаларида ҳужайраларнинг юқори камбиал фаоллиги 25 июлдан 30 сентябргача, ўртача ўсувчи пайвандтагларда 25 июлдан 15 сентябргача ва пакана пайвандтагларда 15 июлдан 25 августгача бўлган муддатда кузатилади.

Олма навларининг пишиш муддатида боғлиқ равишда ёзги навлар новдаларида камбий ҳужайралари бўлинишининг фаоллашув даври 1 июлдан 15 августгача, кузги навларда 15 июлдан 30 августгача, кечпишар навларда эса 25 июлдан 25 сентябргача бўлган даврда кузатилади. Олма навлари ва клон пайвандтагларида камбиал ҳужайралар физиологик фаоллигининг умумий давомийлиги етарлича узок (40-60 кун) давом этишига қарамай, пайванд учун қулай муддат жуда ҳам камдир (6-расм).



6-расм. Ҳар хил муддатларда пишувчи олма навлари ва пайвандтаглар новдаларининг камбиал фаоллиги (2005-2016 йй.)

Ёзги олма навларини кучли ва ўртача ўсувчи пайвандтагларга пайванд қилиш учун қулай шароит 25 июлдан 15 августгача, пакана пайвандтагларга пайванд қилиш учун эса 15 июлдан 15 августгача юзага келади.

Кузги олма навлари кучли ва ўртача ўсувчи пайвандтагларга 25 июлдан 30 августгача, яъни 30 кун, пакана пайвандтагларга эса 25 июлдан 25 августгача бўлган даврда пайванд қилинади.

Кечки олма навларини кучли ўсувчи пайвандтагларга 25 июлдан 25 сентябргача, ўртача ўсувчи пайвандтагларга 25 июлдан 15 сентябргача ва пакана пайвандтагларга 25 июлдан 25 августгача бўлган даврда пайванд қилиш мақсадга мувофиқдир.

«Олма пайвандтагларининг ёғочлашган қаламчаларини тайёрлаш ва кўчатзорга экиш муддатини уларнинг илдиз тизими ривожланишига таъсири» бўлимида олма кўчатларини етиштиришнинг умумқабул қилинган услубига қўшимча равишда пайвандтаг етиштириш мақсадида эрта баҳорда она туплардан ёғочлашган қаламчалар олиш мумкинлигини ўрганишга бағишланган тажриба маълумотлари келтирилган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, пайвандтаг қаламчаларининг илдиз отиши учун яхши шароит уларни кузда тайёрлаб қўйиб, баҳорда экишда юзага келади. Ушбу ҳолатда ҳар иккала пайвандтагда ҳам кўчатзорга экилган қаламчаларнинг илдиз отувчанлиги 49,2-55,4% га етади (2-жадвал).

2-жадвал

Олма қаламчаларини тайёрлаш ва экиш муддатларига боғлиқ равишда пайвандтагларнинг марказий новдаси диаметрининг ривожланиши, % (2010-2016 йй)

Тажриба варианты	Танасининг диаметри					
	Қаламчалар- нинг илдиз отувчанлиги, %	10 ва ундан ортиқ	7-9	5-6	3-4	3 дан кам
ММ106 пайвандтаги						
Қаламчаларни баҳорда тайёрлаш ва экиш – назорат	34,4±1,19	-	23,3	57,5	19,2	-
Қаламчаларни кузда тайёрлаш ва экиш	34,5±1,18	-	26,0	62,1	11,9	-
Қаламчаларни кузда тайёрлаш ва баҳорда экиш	49,2±2,21	2,9	26,7	62,5	7,9	-
МІХ пайвандтаги						
Қаламчаларни баҳорда тайёрлаш ва экиш – назорат	33,6±1,35	25,0	58,3	16,7	-	-
Қаламчаларни кузда тайёрлаш ва экиш	34,5±1,41	33,0	57,5	9,1	-	-
Қаламчаларни кузда тайёрлаш ва баҳорда экиш	55,4±2,65	33,3	54,4	12,3	-	-
<i>НСР05</i>		1,2	1,5	1,1	1,5	
<i>Р%</i>		1,8	2,1	2,8	2,2	

Қаламчаларни баҳорда тайёрлашда ва уларни шу даврда экишда, шунингдек, кузда тайёрлаш ва экишда қаламчаларнинг илдиз отувчанлик

кўрсаткичи иккала пайвандтагда ҳам 34,5% ни ташкил этади. Вегетация якунига келиб олма пайвандтаглариининг илдиз отган 95% қаламчалари мўътадил вариантларда стандарт ўлчамларга етади, яъни, умумий узунлиги 156 см бўлган учта асосий илдизлардан иборат илдиз тизими, узунлиги 48 см ва танасининг диаметри 3-8 мм бўлган марказий новда шаклланади.

«Олма пайвандтаглари новдаларини ҳар хил қисмларидан тайёрланган ёғочлашган қаламчаларида илдиз тизимининг ривожланиши» бўлимида пайвандтаг қаламчалар тайёрлаш учун новдалардан фойдаланиш коэффицентини ошириш имкониятлари ўрганилди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, олманинг вегетатив кўпаяувчи пайвандтаглариини ёғочлашган новдаларининг турли қисмларидан қаламчалар тайёрланганда, уларни баҳорда куртакларининг ёзилиши фазасининг бошланишида сезиларли фарқ кузатилмайди. Синалган пайвандтаглар, айниқса М1Х пайвандтагида новданинг пастки қисмидан тайёрланган қаламчаларда илдиз тизимининг тикланиш жараёни новданинг учки ва ўрта қисмларидан тайёрланган қаламчалардагига нисбатан 8 кунга эртароқ ҳамда жадалроқ илдиз шаклланишини таъминлайди (7-расм).



7-расм. Новданинг фойдаланилган қисмига боғлиқ равишда олманинг ММ106 пайвандтаги илдиз тизимининг шаклланиши:

1 – новданинг учки қисмидан тайёрланган қаламчалар; 2 – новданинг ўрта қисмидан тайёрланган қаламчалар; 3– новданинг пастки қисмидан тайёрланган қаламчалар

Олма пайвандтаглариини қаламчалаш усулида кўпайтиришда ушбу қаламчаларни новданинг учки ва ўрта қисмидан тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки уларнинг илдиз отувчанлик даражаси 13,6% дан ошмайди. Новданинг пастки қисмидан тайёрланган қаламчалардан фойдаланиш илдиз отган олма пайвандтаглари чиқишини 49,1% гача етказиш имконини беради. Ушбу вариант ўсимликларининг баландлиги 42,4-48,6 см га, танасининг диаметри 3 дан 10 мм гача етади. Бунда етиштирилган 95% пайвандтаглар давлат стандарти талабларига жавоб беради. Бундай пайвандтаглардан наводор кўчатларни етиштириш ҳамда вегетатив кўпаяувчи пайвандтаглар она кўчатзорини барпо қилиш учун фойдаланиш мумкин.

«Пайвандтагларни ёғочлашган қаламчаларига экишдан олдин ишлов беришнинг илдиз тизимини ривожланишига таъсири» бўлимида олмани

ёғочлашган қаламчаларидан она кўчатзорлар барпо қилишда эрта баҳорги кесидан фойдаланиш масаласи кўрилган. Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ёғочлашган қаламчалар ер устки қисми ва илдиз тизими ризогенези жараёнларини тезлаштириш учун уларни “кильчалаш” тадбиридан муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Тажрибаларда аниқланишича, олманинг М1Х ва ММ106 пайвандтаглари қаламчаларини экишолди кильчалаш уларда илдиз ҳосил бўлишининг бошланиши ва жадаллигини тезлаштириш имконини берувчи самарали тадбир ҳисобланади. Мазкур услуб кўчатзорларда одатда қўлланиладиган усулга нисбатан қаламчаларда физиологик ўсув жараёнларининг кечишини фаоллаштиради ва бунинг натижасида қаламчаларда куртакларнинг ёзила бошлаши 12-13 кун, кўшимча илдизларнинг ҳосил бўла бошлаши 8 кунга эртароқ қайд этилади.

